

АГРАР СОҲАГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ.

**Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
доценти, и.ф.н. Файзиева Ш.Ш.**

Бугунги кунда иқтисодий ишлаб чиқаришга чет эл инвесторларининг кенг куламда жалб қилиниши, қушма корхоналар, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, маҳаллий хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланиш бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ютуқларнинг доимий равишда ўсиб боришида иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг бири-бирига боғлиқлигига эътибор қаратиш зарур ҳисобланади. Айни кунда ушбу соҳаларнинг ривожини ва муваффақиятини таъминловчи асосий буғин маҳаллий хом ашёни қайта ишловчи тармоқлар ҳисобланиб, бевосита бу тармоқлар ривожланиш негизида бошқа тармоқлар интенсивлигини таъминлаш ва уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш имкониятлари яратилмоқда.

Чет эл инвестициялари ёрдамида мева ва сабзавот, гушт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича моддий-техника база тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир, қолаверса, мамлакатимиз обру эътибори унинг самалоеъ, автомобил, трактор, пахта териш комбайнлари ишлаб чиқариш туфайли янада мустаҳкамланмоқда. Чунки, бундай маҳсулотлар энг ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилади. Бунинг асосий хусусияти Ўзбекистонда – мураккаби ишлаб чиқаришни тез ва моҳирлик билан ўрганишга қордир бўлган ёш ходимларнинг етарлилигидир. Мамлакат иқтисодиётини келажакда янада тезроқ ривожлантириш, чуқурлаштириш, экспортни купайтириш ва импорт урнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш куламини ошириш талб этилади. Ушбу вазифалар бажарилиши учун давлат бошқаруви ташкилотлари, хужалик субъектлари бирлашмалари кучларини ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга сафарбар қилиш талаб қилинади.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида қайта ишлаб чиқариш салоҳиятини таҳлил қилиб курадиган булсак, нодавлат сектор улуши 99 фоизни ташкил этади, агросаноат мажмуасида эса мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатли қисмининг 44 фоиздан купроғи банд. Қишлоқ хўжалиги сектори Ўзбекистон аҳолиси учун зарур бўлган 90 фоиз озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш имкоини беради. Республика ҳукумати қишлоқ хўжалигига купрок чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун барча шарт-шаоитларни яратмоқда. Ўзбекистонда йилига 3-3,3 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланади. Шундан 0,96-1,7 миллион тонна пахта толаси қайта ишланади. Республикада кейинги 3 йил ичида саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида туқимачилик саноати маҳсулотлари 21 фоизга ўсди ҳамда республакамиз енгил саноат корхоналари томонидан 24 фоиз ҳажмдаги пахта толаси қайта ишланди. Мамлакатимиз аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда пилла ишлаб

чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринни, пилла ишлаб чиқариш хажми бўйича учинчи ўринни эгаллайди. МДХ да ишлаб чиқарилаётган пилланинг 80 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади. Республикамизда турли хил иқлим шароитларида куплаб турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга имконият мавжуд ва маҳсулотлар бутун дунёга машхур. Лекин, ушбу соҳада экспорт имкониятларини кенгайтириш учун уларни жаҳон андозалари даражасида қайта тайёрлаш, қадоклаш, сақлаш ва дунёнинг исталган жойига етказиш, маҳсулотларни транспортирофка қилиш, махсус машиналар билан таъминлаш ва хизмат курсатадиган корхоналарни ташкил этиш зарур. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида ижтимоий сиёсат ҳам амалга оширилишига шароит яратилади.

Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири-кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишданг иборатдир.

Статистик маълумотларга кўра, аҳоли даромадларининг 60 фоизи иш ҳақи ҳиссасига тўғри келади. Демак, аҳолини иш билан таъминлаш ёки меҳнатдан бандлиги масаласи ижтимоий сиёсатнинг ўзак йўналишларидан бири ҳисобланади. Меҳнатда бандликнинг ўсиши аҳоли турмуш даражаси ва даромадларинининг ошишини таъминлайди.

Бандлик сиёсати бевосита ҳудуддаги демографик жараёнлар билан боғлиқ. Чунки, Ўзбекистон дунё миқёсида аҳолиси энг ёш давлатлардан бири ҳисобланади. «Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI асрда меҳнат заҳиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчилиқни ташкил этишга имкон беради. Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятининг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли заҳирасидир», дея таъкидланади.

- қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб олишда ягона мезон бўлиб, иқтисодиётни барқарорлаштириш асосий шартлари бўлиб хизмат қилиши;
- қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини бошқаришда иқтисодий усулларга алоҳида эътибор берилиб, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга асосланган ҳолда иш олиб бориш ташкил этилиши;
- қишлоқ хўжалиги якка тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларни зарурий материаллар билан таъминлаш ва уларни етиштирган маҳсулотларини икки томонлама манфаатдорлик йўлида сотишга кумаклашиш механизмини жорий этиш;
- қишлоқ хўжалигида меҳнатни биринчи эҳтиёж даражасига олиб чиқиш;
- бозор талабларига жавоб берадиган корхона хўжалик фаолиятини баҳолайдиган кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва сифат кўрсаткичлари ролини ошириш;

- шартнома шартларини бажарилишида иқтисодий дастакларга эътибор қаратиш ва бошқалар.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан келиб чиққан ҳолда Қашқадарё вилоятида 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланган эди:

- вилоятда ялпи минтақавий маҳсулотни 107,0 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 110,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 112,0 фоизга, экспортни 108,7 фоизга ўсишни таъминлаш;
- ялпи минтақавий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини 45 фоизга етказиш, (2004 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи минтақавий маҳсулотидаги улуши 40,6 фоизни ташкил этган);
- 2005 йилда амалга оширилиши мулжалланган, хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурига киритилган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг кўрсатилган муддатларда бажарилишини таъминлаш;
- аҳолини турмуш шароитини кўтариш мақсадида 460 км табиий газ ва 280 км сув қувурлари ўтказиш, 101 та қишлоқни табиий газ, 46 та қишлоқни ичимлик суви билан таъминлаш, 12 та 12000 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежлари, 22 та 5322 ўқувчи ўринли мактаблар қуриб, фойдаланишга топшириш;
- тижорат банкларида аҳоли омонотларини ошириш ва ушбу маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш;
- Вазирлар Маҳкамасининг 445-сонли қарори ижроси бўйича 2005 йилнинг 1 июлига қадар барча савдо шохобчаларида пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган савдо терминаллари ўрнатишга эришиш;
- Тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида ва бошқа трамоқларда 33 мингга яқин кичик бизнес субъектларини ташкил этиш;
- 2005 йил вилоят маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 8 та лойиҳани тулиғича амалга ошириш орқали четдан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнига маҳаллий хом ашё асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш;
- қўшма корхоналарни ташкил этишни купайтириш. Бу орқали экспорт таркибида қўшма корхоналар улушини 25-30 фоизгача етказиш;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарори бўйича 31 та ширкат хўжалигини тулиғича фермер хўжалигига айлантириш;
- Мазкур хўжаликлар негизида ташкил этиладиган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи 31 та муқобил МТП, 30 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, 7 та ёқилғи сотиш, 14 та минерал ўғит сотиш шохобчалари ва бошқа бир қатор инфратузума объектларини ташкил этиш;

- 2005 йилда 378 та культиватор, 185 та чигит экиш сеялкаси, 135 та дон экиш сеялкаси ва 103 та пуркагичлар сотиб олиш, дон ўриш комбайнларига эҳтиёж 40 та ва уларни олиб келиш;
- шунингдек, вилоятда чорвачилик ҳамда мева-сабзавот етиштириш ривожланганлигини инобатга олиб, 2005 йилда 17 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ташкил этиш.

2006 йил бошида вилоятда белгиланган вазифалар бажарилиши билан ўзининг ижобий натижасига эга бўлди. Айниқса, фермер хўжаликларини ривожлантириш тизими уч босқич асосида амалга оширилиши, фермер хўжаликлари сонининг 20 мингтадан ошганлиги, уларга ажратилган ер майдонлари 3769 гектардан ошганлиги ва сифат жihatдан купайганлиги, ихтисослашувига эътибор берилганлиги, паст рентабелли ширкат хўжаликлари ўрнига фермер хўжаликларини ташкил қилинишига асосланганлиги, инфратузилма объектларининг ташкил этилганлиги, фермер хўжаликлари раҳбарларини малакасини ошириш курсаткичлари ошганлиги, жойларда консалтинг хизматларини курсатиш яхшиланиб борилганлиги, устивор йуналишлар орасида ер, сув, мулк, молия-кредит, солик ва нарх ислохотларига катта эътибор қаратилганлиги ҳамда келажакда ривожланиш борасидаги ҳал этилмаган муммолар ва вазифаларнинг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятида фаолият курсатаётган қўшма корхоналар, тадбиркорлар ҳамда ишбилармонларнинг иқтисодий салоҳияти юқори курсаткичларни курсатмоқда. Вилоятда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар нафақат қишлоқ хўжалиги, балки ижтимоий турмуш тарзининг барча соҳасини узида қамраб олишга ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилей тантаналари олдидаги энг катта ютуқлар деб ҳисоблашга лойиқдир.

Юқоридагиларни яратишда инвестицияларни жалб этишни янада яхшилаш бозор инфратузилмаси таркибини ташкил этишга самарали хиссасини қўшади. Шунингдек, жамиятнинг ҳар бир соҳасида узаро алоқада бўлади.